# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 63 (8.647) ◆ 1995 йил 2 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. С. Зуфаров тасвирга олган.

***1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.***

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён қисқа давр ўтганига қарамай, — деди мамлакатимиз раҳбари, — биз хорижий шериклар билан ишлаш бўйича талай тажрибага ва ушбу ҳамкорлик натижаларини қиёслаб кўриш имконига эга бўлдик. Шу маънода «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорлигимиз, хусусан, Асакада қурилаётган автомобиль заводи ўзаро муносабатларимиз тарихида муҳим саҳифа бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

— Ўзбекистондаги барқарорлик ва Ғарб кузатувчилари ҳам эътироф этаётган иқтисодий ўсиш, қолаверса, ўзбекистонлик ҳамкорларнинг ишга масъулияти кореялик тадбиркорларнинг мамлакатингизга нисбатан катта қизиқишига сабаб бўлмоқда, — деди Ким У Жун. — Асакадаги автомобиль заводи қурилишини бориб кўрганимиздан сўнг, бунга яна бир карра амин бўлдик. Биз бундан буён Ўзбекистонга сармоя киритиш борасидаги режаларимизни янада мувофиқлаштириш ва кенгайтириш ниятидамиз.

Суҳбат давомида Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси қурилишини тезроқ якунлаш, заводга жамловчи ускуналар етказиб бериш, қўшма банк ташкил этиш, маҳсулотни реализация қилиш ҳамда Кореяда ўзбек мутахассисларининг малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, «ДЭУ» компаниялари билан телекоммуникация, енгил саноат соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИНГА

Муҳтарам Борис Николаевич!

Южносахалинск районида юз берган кучли зилзила натижасида кўплаб одамлар ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон аҳолиси эшитиб, чуқур қайғуга ботди.

Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғларига ва яқинларига самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон ҳукумати ва бутун халқи табиий офат оқибатларини тугатишда баҳолиқудрат моддий ёрдам кўрсатишга ва тиклаш ишларида бевосита иштирок этишга тайёрдир.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## САХАЛИН АҲОЛИСИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

1995 йил 27 майда Сахалин оролида рўй берган табиий офат—вайрон қилувчи кучга эга бўлган зилзила муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сахалиннинг зилзиладан зарар кўрган аҳолисига беғараз моддий ёрдам кўрсатиш учун Республика валюта фонди маблағлари ҳисобидан 100 минг АҚШ доллари ажратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кўрсатиб ўтилган суммани республика валюта фондининг 79470404-сон «халқ хўжалиги бўйича бошқа харажатлар» счётидан Россия Федерацияси ташқи савдо банкидаги 07604001-сон «Сахалинга мурувват ёрдами махсус счёти»га ўтказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, унинг авиация саноатини ривожлантириш, замонавий авиация техникаси ва технологиясини вужудга келтириш, парвоз қилувчи аппаратларнинг янги авлодларини ишлаб чиқариш ва уларни ишлатиш соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида:

1. Тошкент давлат техника университетининг самолётсозлик факультети, Киев фуқаро авиацияси халқаро университетининг Тошкент филиали, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ўқув маркази негизида Тошкент давлат авиация институтини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг, Ўзбекистон «Ўзбеккоинот» давлат космик тадқиқотлар агентлигининг Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

— авиация ҳамда авиасозлик корхоналари учун мутахассислар-конструкторлар, технологлар, таъмирловчилар ва ишлатувчиларни тайёрлаш;

— авиация тизимларининг асосий ва татбиқий тадқиқотлари соҳасида жаҳон ютуқларини ўрганиш негизида ўз илмий-заковат салоҳиятини ривожлантириш;

— парвоз қилувчи аппаратлар янги авлодларининг ижодий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

— республикада авиация саноати тараққиётини илмий таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш;

— авиация техникаси ва технологияси соҳасида жаҳон бозори коньюктурасини ўрганиш;

— авиация соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, жаҳон авиация фани ва технологиясининг энг янги ютуқлари негизида уларни қайта тайёрлаш;

— Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг етакчи авиация ўқув ҳамда илмий марказлари билан таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини кенг кўламда кооперациялаш.

3. Ўрта маълумот негизида кичик мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент авиация техникуми базасида авиация коллежи ташкил қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 май.

## МЕҲР-ШАФҚАТ СЧЁТИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг операцияларни амалга ошириш бошқармасида Россия Федерациясининг Сахалин оролида зилзиладан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун маблағ тўплаш мақсадида счёт очилди.

Банкнинг манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси 3-уй. Жорий счёт рақами Ўзбекистон саноат-қурилиш банки оператив бошқармасида 000700227.

Код 172647310.

Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон клиринг марказида корреспондентлик счёти: 300166710.

Ҳуқуқий шахслардан ва фуқаролардан хайрия эҳсонлари нақд пул билан ҳам, банк счётига ўтказиш йўли билан ҳам олинади.

Эҳсонларни Ўзбекистон Республикасининг барча шаҳар ва қишлоқларида маҳаллий банк бўлимига мурожаат қилиб ўтказиш мумкин. Бунда «Россия Федерациясининг Сахалин оролида зилзиладан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига» деб ёзиш керак.

* * *

Ўзбекистон саноат-қурилиш банки меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг қарорига ва акциядорлар кенгашининг қарорига мувофиқ зилзиладан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига беш миллион сўм пул ўтказди.

(ЎзА).

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга киритилди.

❑ Кеча Бош вазир Абдулҳошим Муталов Руминиянинг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Константин Гирбяни қабул қилди. Элчи Руминия Президенти Ион Илиескунинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга унга қулай бўлган вақтда Руминияга расмий ташриф буюришга таклифини етказди.

❑ Бугун Тошкентда «Ўзбекистонда хусусийлаштириш: эришилган ютуқлар ва унинг истиқболи» мавзусидаги халқаро семинар ниҳоясига етди. У республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилди.

❑ Бугун «Халқ сўзи» газетасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон журналистлар уюшмалари бошқарувлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» халқаро ҳаракатини ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлашлари тўғрисидаги баёнотлари эълон қилинди.

❑ Тахиатошдан Берунийга 153 километр электр узатиш линияси ишга туширилди. Бу Қорақалпоғистон жанубий туманлари аҳолисини электр қуввати билан таъминлашни тубдан яхшилади.

❑ Тошкентда Қизил Хоч халқаро қўмитасининг минтақавий ваколатхонаси очилди.

❑ Эртага Тошкентда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтади.

❑ Андижон чет тиллар педагогика институти доценти Аҳмадали Мамадалиевга ўзбек — француз луғатини яратганлиги учун Франциянинг «Академик Пальма» ордени топширилди.

❑ Ўзбекистонлик ёш рассом Резида Собиржонованинг «Болалик поэзияси» сурати Ҳиндистонда ўтказилган «Шанкар-94» халқаро танловида Жавоҳарлаъл Неру номидаги олтин медалга муяссар бўлди.

❑ Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдо натижаларига кўра 2 июндан бошлаб 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 28 сўм қилиб белгиланди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Украинада ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида мухолифатчилик кучайиб кетганлиги сабабли Президент Леонид Кучма 28 июнь куни Президентга ва Олий Кенгашга ишонч масаласида умумхалқ сўровини ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлаш даъвати билан мамлакат фуқароларига мурожаат қилди.

❑ Алматида Тожикистон маъмурлари ва мухолифатчилар ўртасидаги музокаралар тўртинчи босқичи биринчи қисми натижаларига кўра томонлар ўт очишни тўхтатиш муддатини яна уч ойга узайтириш ва асирлар билан айрибошлашга аҳдлашиб олдилар. Музокараларнинг иккинчи қисми шу ерда 25 июнда давом эттирилади.

❑ Сўнгги маълумотларга кўра Сахалиннинг зилзила рўй берган Нефтегорск шаҳрида бинолар остидан 1495 киши топилди. Улардан 620 нафари ҳалок бўлган.

❑ Жаҳон шиалар — исмоилийлар имоми Оғахон тўртинчи Бишкекда Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев билан учрашиб, бу ерда ўз жамғармаси ваколатхонасини очиш ниятини билдирди.

❑ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот воситачиларининг генерал Жохар Дудаев вакиллари билан учрашувида Россия федерал маъмурлари билан узилиб қолган икки томонлама музокараларни давом эттириш тўғрисидаги таклифига ижобий жавоб олинмади.

❑ Россия расмий равишда НАТОнинг «Тинчлик учун шериклик» дастурига қўшилди. Ҳозирги пайтда бу дастурга НАТОга аъзо бўлган мамлакатлардан ташқари Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги 22 мамлакат қўшилган.

❑ АвтоВАЗ кейинги бир ярим йил ичида илк бор янги ой бошланиши билан ўз енгил автомобиллари нархини оширмади. Бу АҚШ долларининг Россия рублига нисбатан қиймати бирмунча барқарорлашганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда ВАЗ-21061 машинаси савдо устамасиçиз 28 миллион рубл, ВАЗ-2109—39,4 миллион, ВАЗ-21099—47,2 миллион рубл миқдорида сотилмоқда.

### ХОРИЖДА

❑ Ҳозир Босния серблари НАТО томонидан ҳаводан зарба берилганлигига жавобан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу ердаги тинчликни сақлаш кучлари сафидаги ҳарбий хизматчилардан 370 нафарга яқинини гаровга ушлаб турибди. Айни пайтда Гаража шаҳри атрофида серблар ва мусулмонлар ўртасида қонли тўқнашувлар давом этяпти.

❑ Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Сурия билан сулҳ тузиш учун яқин орада икки давлат раҳбари ўртасида олий даражада учрашув ўтказишни таклиф этди.

## ХРОНИКА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳузуридаги Халқаро ислом тадқиқот марказининг ходими Шарафуддин Мирҳидоятович Мирмаҳмудов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича комитет раиси этиб тайинланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Ғанижон Абдуллаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича комитет раиси вазифасидан озод этилди.

## КОРХОНА ВАЛЮТАСИ ЭВАЗИГА

Ошхона мебеллари ишлаб чиқарувчи «Файз» ҳиссадорлик жамияти республика миқёсидаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Бирлашманинг турли шаҳарларда 5 та филиали ишлаб турганиҳолда янги қўшма корхоналар ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Словения республикаси билан ҳамкорликдаги қўшма корхонани яқин вақтлар ичида ишга тушириш режалаштириляпти. Ҳозирча Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий дастгоҳ — ускуналар ўрнатиш давом этмоқда.

— Ошхона мебеллари ишлаб чиқарувчи корхонамиз республикамизда ягона ҳисобланади,— дейди «Файз» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Мукаррамхон Азимова.— Илгари хом ашёнинг 70 фоизини асосан Россиядан олардик. Кейинги пайтларда бу борада муаммолар туғилгач, биз чет элларга ҳам маҳсулот сота бошладик. Тушган валюта эвазига эса корхоналаримиздаги дастгоҳларни чет элларда ишлаб чиқарилган юқори унумли ва тежамкорлари билан алмаштиряпмиз. Бунинг натижасида чиқарилаётган маҳсулотлар сифати анча яхшиланди, уларга бўлган талаб ҳам ортмоқда. Ҳозирги кунда асосий эътиборни тежамкорликка ва таннархни арзонлаштиришга қаратяпмиз.

Беҳзод ҲАКИМОВ.

*Соғлом авлод учун*

## БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ НОМИДАН СОВҒАЛАР



**Кеча, Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида шаҳардаги бешта меҳрибонлик уйи ва 100-интернатга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан совғалар топширилди. Маълумки, бу олийжаноб мақсад учун давлатимиз раҳбари бир миллион икки юз минг сўмдан кўпроқ пул ажратди. Шу пул ҳисобидан болалар учун спорт кийимлари ва мактаб формалари, кўйлаклар, ўғил болалар ва қизлар учун костюмлар сотиб олинди. 21 ва 24-меҳрибонлик уйларига (эндиликда болалар уйлари ана шундай ном билан аталади) Президент совғаларини Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов топширди.**

Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни 24 ва 21-меҳрибонлик уйлари болалари учун том маънода меҳр ва мурувват байрамига айланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан табриклашиб, совғалар топширилди. Улар учун байрам дастурхонлари ёзилди. Ана шу меҳрибонликка жавобан болалар ўз мураббийлари ўргатган куй ва қўшиқларни, рақсларни ижро этдилар.

21-меҳрибонлик уйида етти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 178 бола тарбияланади. Уларнинг ҳаммаси «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқишади. Меҳрибонлик уйи директори Алла Демчук бу ерда олиб борилаётган таълим-тарбия борасидаги жараёнлар ҳақида гапириб берди. Тажрибали тарбиячилар болаларга бутун ҳаётларини бахшида этмоқдалар. Уларнинг ҳар бирига ўз феъли-атворига яраша муносабатда бўлинади. Болалар тажриба синфларида шуғулланишади. Айниқса улар компьютер синфидаги машғулотларга зўр иштиёқ билан қатнашишади.

Дарҳақиқат, меҳрибонлик уйи жамоаси ҳақида ҳар қанча илиқ гапларни айтса арзийди. Чунки бу ерда ўз касбига ихлос қўйган ва бутун қалбини болаларга бахшида этган кишилар ишлашади. Н. Ф. Анашкина, С. И. Аксакова, М. Х. Мусаева, Л. А. Калинюк, Г. А. Мустафин, М. Н. Баҳриддинова ва бошқалар ҳақида ҳар қанча илиқ сўзларни айтса арзийди.

Бу ерда тарбияланаётганлар келгусида қандай касб эгаси бўлиб етишишни ҳам аниқ режалаштириб олишган. Масалан, Аъзам Турсунов ва Артем Ветренников темир йўл техникумига кириб ўқиш истагидадир. Бошқа болаларнинг ҳам келажакдаги орзулари катта. Уларнинг ҳаммаси мустақил давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган оталарча ғамхўрликка жавобан келгусида озод ва ҳур Ватанимизнинг ҳақиқий кишилари бўлиб, унга сидқидилдан хизмат кўрсатишни дилга жо қилган болалардир.

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, ёзги таътил пайтида бу болаларни ажойиб оромгоҳлар кутмоқда. Улар ана шу оромгоҳлар бағрида ўзларининг ёзги таътилларини мароқ билан ўтказадилар, янги куч ва ғайратга тўлиб-тошган ҳолда ўзлари тарбияланиб билим олаётган масканга шод-хуррамлик билан қайтадилар.

Саид БОТИРОВ.



*СУРАТЛАРДА: болаларга қимматли совғаларни топшириш маросимидан лавҳалар акс эттирилган.*

*Виктор Багаев олган суратлар.*

*Президент кубоги учун*

## «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» МАНЗИЛЛАРИ

Шаҳримиздаги «Юнусобод» теннис кортида улкан теннис байрами ниҳоясига етмоқда. Бир ой давом этган «Буюк Ипак йўли» сателлит турнири пойтахтнинг «Динамо» кортларида бошланиб, унинг дастлабки уч «карвони» Самарқанд ва Фарғона шаҳарлари бўйлаб ўтди. Бу учала босқич мусобақаларида АҚШ, Исроил, Германия, Франция, Австрия, Италия, Голландия сингари давлатлардан келган кучли теннисчилар қаторида ҳамюртларимиз — Олег Огородов, Дмитрий Томашевич ва Темур Ғаниевлар муваффақиятли қатнашдилар.

«Буюк Ипак йўли»нинг якунловчи босқичи — «Мастерс» мусобақалари қизғин давом этяпти. Олег Огородов ушбу сўнгги — 4-босқичдаги якка беллашувга чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди. Жуфтлик баҳсларда эса франциялик теннисчилар Ластало-Бойе жуфтлиги барча рақибларини ортда қолдирдилар.

Финал босқичида ҳаммаси бўлиб 24 нафар энг кучли теннисчилар иштирок этишади. Икки кундан сўнг «Мастерс» турнири ниҳоясига етади. Биринчи ва иккинчи ўринларни оладиган ғолибларни 800 ва 600 АҚШ долларидан иборат мукофотлар кутмоқда. Жуфтлик баҳсларда зафар қучганлар эса 393 долларга эга бўладилар. Бундан ташқари, барча ғолиблар август ойида бошланадиган «Президент Кубоги» учун мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритадилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

